

Бақара сураси, 252-оят

17:35 / 04.04.2018 3421

Булар Аллоҳнинг оятлари бўлиб, уларни сенга ҳақ ила тиловат қилурмиз. Ва албатта, сен расуллардансан. Бақара 252.

«Булар» мингларча одамларни ўлдириш ва тирилтириш, фаришталарнинг тобутни кўтариб келиши, оз сонли мўминларнинг кўп сонли кофирларнинг устидан ғолиб келиши ҳақидаги хабарларни ўз ичига олган оятлардир. Уларни Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига ҳақ ила ҳикоя қилиб бермоқда.

«Ҳақ ила» дегани «Воқеъликдаги ҳодисанинг ўзини қандай бўлган бўлса, шундай айтиб бермоқда», деганидир. Ушбу оятда Расулуллоҳ алайҳиссалому ва саломнинг пайғамбарликлари ҳақ эканининг таъкиди ҳам бор. Чунки юқоридаги оятлар у кишининг ҳақиқий пайғамбар эканликларига ёрқин далилдир. Ҳеч бир китобни ўқимай, ҳеч кимдан дарс олмай, бундай хабарни айтиш фақат ҳақиқий пайғамбарнинггина қўлидан келади.

Қуръони Карим Аллоҳнинг оятларидир, бошқа бировники эмас. Пайғамбаримизга бу оятларни Аллоҳнинг Ўзи ҳақ билан тиловат қилмоқда. Бошқа биров эмас. Шунинг учун Қуръон оятларига ўзига яраша эътибор ила қараш керак.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақ пайғамбарлардан эканликларининг баёнидан кейин энди пайғамбарларнинг мақомлари, баъзиларининг хусусиятлари, умматлари билан бўлган алоқалари ва бошқа ҳолатлари умумий тарзда айтиб ўтилади: